



## АХОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТЛАР

Ўтган ҳафтанинг 20 июнь куни туманимиз ҳокими Сардор Исаков навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди. Туман прокурори Жасурбек Ҳайитбоев, ҳоким ўринбосарлари ҳамда тегишли ташкилот мутасаддилари иштирок этган қабулда уй-жой, моддий ёрдам, саломатликни тиклашда маблағ ажратиш ва коммунал соҳада мурожаатлар бўлди.

Самимий руҳда кечган мулоқотларда фуқароларнинг дуч келаётган муаммолари диккат билан тингланди. Баъзи мурожаатларни ҳал қилиш бўйича тушунтиришлар берилди. Яна айримлари жойида ҳал қилинди.

Жумладан, жами 24 та мурожаатдан 3 таси, яъни саломатликни тиклашга сўралган ёрдам шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинди. Яна 15 таси вақт талаб қилингани боис, икргора қаратилиб, қолган 6 тасига хукуқий тушунтириш берилди.

Умуман олганда, туман ҳокими Сардор Исаков маҳаллаларда сайёр қабулларни ҳар куни ўтказиб бормоқда. Режалаштирилган сайёр қабул 23 июнь куни Сой маҳалласидаги 1-мактабда бўлиб ўтди. Унда туман прокурори Жасурбек Ҳайитбоев, Ички ишлар бўлими бошлиғи Азизбек Алиасқаров ҳамда туман давлат солиқ идораси раҳбари Абдували Маҳаматов, ҳоким ўринбосарлари ва тегишли ташкилот мутасаддилари иштирок этди.

Хўжа, Сой, Ўчоқ, Мозорхожи маҳалла аҳолиси учун ўтказилган сайёр қабулда ҳоким ҳар бир мурожаатчини диккат билан тинглаб, уларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал қилишга ҳаракат қилди.

Мазкур қабулда уй-жой, коммунал соҳа, моддий ёрдам, ишга жойлаш, тиббиёт соҳаларига оид мурожаатлар билдирилди.



Қабулдаги жами 14 та мурожаатдан 2 таси шу жойнинг ўзида ҳал қилинди. Қолган 8 таси вақт талаб қилингани боис, икргора қаратилиб, 4 тасига хукуқий тушунтириш берилди.

Шунингдек, ҳоким Сардор Исаковнинг Обжувоз маҳалласида жойлашган 6-мактабдаги сайёр қабули 24 июнь куни бўлиб ўтди.

Обжувоз, Ойбек, Чўққайма, Гулистон, Истиқбол маҳалла аҳолиси учун ўтказилган сайёр қабулда туман Солиқ идораси раҳбари Абдували Маҳаматов, туман прокурорининг катта ёрдамчиси Шоҳруҳ Рўзиев, ҳоким ўринбосарлари, тегишли ташкилот мутасаддилари иштирок этишиди.

Сайёр қабулда моддий ёрдам, субсидия ва коммунал соҳага оид ҳам, саломатлигини тиклаш масаласида ёдам сўрағанлар ҳам бўлди.

Мулоқотда жами 11 та мурожаатдан 2 таси шу жойнинг ўзида ҳал қилинди. Яна 6 таси вақт талаб қилингани боис, икргора қаратилиб, 3 тасига хукуқий тушунтириш берилди.

Шунтириш берилди.

Мазкур сайёр қабулларни кузатар экансиз, унда инсон манфаатларини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш ва уларни ўйлантираётган масалаларни имкон қадар жойида ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатларни кўришингиз мумкин.

Шу ҳафтанинг 25 июнь куни 10-мактабда Булғобоши, Самарбод, Наврӯз, Қўйшукур, Куруқсой, Бодомтепа маҳалла аҳолиси учун ўтказилган сайёр қабулда туман Солиқ идораси раҳбари Абдували Маҳаматов, туман Ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари Камолиддин Якубов, ҳоким ўринбосарлари, тегишли ташкилот мутасаддилари иштирок этишиди.

Ушбу сайёр қабулдаги жами 19 та мурожаатдан 3 таси шу жойнинг ўзида ҳал қилинди. Қолган 13 таси вақт талаб қилингани боис, икргора қаратилиб, 3 тасига хукуқий тушунтириш берилди.

**Х.АБДУКАРИМ тайёрлади.**

## Улар касбли бўлишди

Жорий йилнинг 31 январь куни Паркент туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими туманимиздаги “Коинот зиё” нодавлат таълим муассасаси билан ҳамкорлик шартномасини имзолаганди.

Унга кўра, фуқаролар бир қатор касблар бўйича ўқиб, малакасини ошириб келмоқда.

Яқинда 87 нафар тумандошимиз ўзлари қизиқан касб бўйича таҳсилни таомлади.

Шу муносабат билан туман Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамда “Коинот зиё” нодавлат таълим муассасаси томонидан маҳсус сертификатлар топширилди.

Маълумот учун айтганда, жорий йилнинг январь-июн ҳолатига мазкур ҳамкорлик доирасида

тикувчилик, бухгалтерия, компютер оператори, аёллар сартароши, электромонтаж, токарь-фрезер, сантехник каби касблар бўйича 358 нафар ишсиз фуқаро касб-хунар бўйича ўйналтирилган.

Улардан 87 нафари ўқиши тугатиб сертификатлар олишган бўлса, 153 нафари таҳсил олиша даъом этмоқда.

Энг муҳими, “Ёшлар дафтари”да турувчи 2 нафар, “Аёллар дафтари” рўйхатидаги 68 нафар фуқаро ўқишига жалб қилинган.

**Н. АҲМЕДОВА**



Бугун ҳар бир тумандошимизни қувонтираётган ўзгариш ва янгиликлар, кенг қулоч ёзган бунёдкорликлар туфайли Паркент тумани янги қиёфага кирмоқда.

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ – ИШОНЧ ВА ЯНГИЛАНИШ ТИМСОЛИ



2025 иил 18 июнь. Бу сана туманимиз аҳолиси учунайнича, биз Паркент ёшлари учун тарихий аҳамиятга эга бўлди. Юрбошимиз, Шавкат Мирзиёевнинг Паркент туманига ташрифи нафақат йирик инфратузилма ва иқтисодий лойиҳалар эълон қилинган кун сифатида, балки биз ёшларга билдирилган юксак эътибор рамзиdir.

Президентимиз ташриф чоғида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, иқтисодий тараққиёт, янги иш ўринлари яратиш ва замонавий яшаш шароитлари билан боғлиқ кўплаб лойиҳалар билан танишиди. Айниқса, 6 гектарлик майдонда қад ростлаётган замонавий турар жой массивлари, 125 та кўп қаватли уй, боғча ва замонавий мактаблар қурилиши – буларнинг барчasi Паркентлик ёшлар ҳасти ни тубдан ўзгартиради. Қуонарлиси, бу уй-жойларни эҳтиёжманд ҳамда ёш оиласларга муддатли тўлов эвазига берилishi аҳамиятлиди. Шунингдек, “Байтқўрон – Паркент” электрлаشتарилиган темир йўл курилиши, транспорт инфратузилмасининг янгиланиши – буларнинг барчasi биз ёшлар учун катта имкониятлар эшигини очмоқда.

Бундай лойиҳа ва ташаббусларнинг марказида инсон қадри, ёшлар салоҳиятини ошириш туради. Бу ташриф орқали Президентимиз ҳар бир ҳудудга, ҳар бир ёшга бефарқ эмаслигини яна бир бор кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари билан учрашув – бу оддий маросим эмас эди. Бу – ишончли мулоқот энг муҳими, ёшларнинг овози эшитилаётганинг яққол ифодаси бўлди. Ҳаётимда ҳамиша шундай тамоилга амал қиламан: “Агар имконият берилган бўлса, уни ҳалқ манфаатига хизмат қиладиган кучга айлантириш керак.” Таълим соҳасига бўлган муҳаббатимни ёшлар қалбига сингдиришга ҳаракат қиламан. Чирчиқ давлат педагогика университетида энг ёш ўқитувчи сифатида ишляпман. Яқинда магистрлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Аммо буни якун деб эмас, бошланиш деб биламан. Чунки ҳозирги ёшларнинг олдида улкан масъулият – Ватан, ҳалқ ва тараққиёт учун хизмат қилиш мажбурияти турибди.

Ташрифа Президентимиз билан бўлган учрашувдан ниҳоятда руҳланиб кетдим. Бу нафақат шахсий ютуғим, балки менинг минглаб тенгдошларим учун ҳам ғуурдир. Барчамиз бир ҳақиқатни тушуниб етдик: тараққиёт фақат йирик шаҳарлардан эмас, балки ҳар бир ҳудуддан, ҳар бир қишлоқдан, ҳар бир оиласдан бошланади. Президентимиз “Янги Ўзбекистонни ёшлар билан бирга барпо этаимиз” деган эди. Энди бу ҳаёт тарзимиз, ҳаракат стратегиямизга айланмоқда.

Буунги кунга келиб туманимизда 93 мингдан ортиқ ёшлар бўлиб, уларнинг 8 мингдан ортиғи олий таълим муассаларида таҳсил олмоқда, яна 2,5 мингдан ортиқ ёшлар хорижий ва миллий сертификатга эга, 2 мингга яқин ёшлар эса тадбиркорлик билан фаол шуғулланмоқда.

Президент ташрифи бизга жуда кўп нарсани англаиди: биз қадрланаётган ёшлармиз, бу бизга юксак ишонч беради. Энди навбат бизда – бу ишончни оқлаш, ҳалқ хизматида муносаби бўлиш! Президентимиз айтганларидек, жаҳон минбарларига фақат илим орқали чиқилади. Бу фоя биз ёшлар, устозлар, фидойи мутахassislar учун ҳам юксак мақсад, ҳам катта масъулиятдир.

Юрагим тўлиб, фахр билан айтаманки, Президентимизнинг Паркентга бўлган эътибори ва ғамхўрлигига муносаби жавоб қайтариш учун жамият ҳаётидан ўз ўрнимни топиб, элу юрт корига ярайдиган фарзанд бўлишга бундан бўён янада кўпроқ ҳаракат қиламан. Ўтган 2022 йил Президентимизнинг иқтидорли талабаларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган Навоий номли давлат стипендияси соҳибаси бўлдим. Албатта, бу ютуқларни янада давом эттиришим ва юксак натижаларни кўлга киритиб боришини ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан!

**Озода АБДУЛЛАЕВА,  
Чирчиқ давлат педагогика  
университетининг ўқитувчisi**